# Ғалаба муборак Робияхон




09:54 / 25.07.2022 3001

Жорий йилнинг 23 июль куни Германиянинг Франкфурт шаҳрида жойлашган Johann Volfgang Goethe университетида «Stem Olimpiad 2022» олимпиадасида юртдошимиз, 11 синф ўқувчиси Робияхон Анварова биратўла иккита фандан — математика ва физика фанлари бўйича қатнашиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Ушбу ғалаба билан Робияхон Анваровага ғолиблик муборак бўлсин!

Азиз синглимиз Робияхон! Аллоҳ таоло илмингизни бундан-да зиёда қилсин. Бундан-да шарафли чўққиларни забт этинг! Олган илмларингиз Ватанимиз тараққиёти, элимиз равнақига хизмат қилсин.

Зеро, бу азиз Ватан сиз ва сизга ўхшаган кўплаб муслима илм дарғаларини дунёга етказиб берган муқаддас заминдир. Биз ўз аждодларимизга

муносиб авлод бўлишга интилайлик.

Image not found or type unknown

Image not found or type unknown

Image not found or type unknown

Image not found or type unknown